

## КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БОРАСИДАГИ МУОММАЛАРИ

*Хужамбердиев Тулкин*

*Ипак йўли инновациялар университети катта ўқитувчиси*

*Исаев Саидамир Икромхўжаевич*

*Ипак йўли инновациялар университети катта ўқитувчиси*

**Аннотация.** Мақолада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг илмий назарий асослари, долзарб муаммолари, унинг тармоқлардаги кичик бизнес субъектлари фаолияти тенденцияси ҳамда унинг самарадорлигини ошириш имкониятлари каби масалалар таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, ҳудуд, тармоқ, салоҳият, ялпи ички маҳсулот, ялпи ҳудудий маҳсулот, барқарорлик, модернизация, диверсификация, стратегия, интеграция, инвестиция, ихтисослаштириш, самарадорлик.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, хавфсизлик, ҳуқуқ-тартибот, давлатимиз чегаралари дахлсизлиги, жамиятда қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини таъминлаш учун муҳим пойдевор яратди. Халқимизнинг муносиб ҳаёт кечериши, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун асос бўлмоқда. Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда унинг экспорт салоҳиятини оширишда давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш талаб этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаганидек: “Фаол тадбиркор деганда, биз рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга қодир, энг муҳими, янги иш ўринлари яратиб, нафақат ўзини ва оиласини боқадиган, балки бутун жамиятга наф келтирадиган ишбилармон инсонларни тушунамиз. Бундай тадбиркорлар сафини кенгайтириш, жумладан, юқори технологиялар, илм-фаннинг энг сўнгги ютуқларига асосланган техника ва асбоб-ускуналарни мамлакатимизга олиб келиш ва жорий этиш учун уларга муносиб шароитлар яратиш бизнинг биринчи галдаги вазифамиз бўлиши шарт”(2).

Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти иқтисодий сиёсатнинг стратегик вазифаси сифатида

жадал суръатларда ривожлантирилмоқда. «Жаҳондаги ривожланган мамлакатлар ялпи ички маҳсулотининг 55-67 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳиссасига тўғри келади. Бу кўрсаткич АҚШда 52-55 фоизни, Японияда 52-57 фоизни, Европа Иттифоқи мамлакатларида 63-67 фоизни ташкил этади. Ғарбий Европа мамлакатларида хусусий секторда фаолият юритаётган 17,1 млн. корxonанинг 90,9 фоизи кичик бизнес корxonалари ҳисобланади. Уларнинг ҳиссасига умумий саноат ҳажмининг 50 фоизи, хизматлар соҳасининг 67 фоизи, қурилиш ва савдонинг деярли 90 фоизи тўғри келмоқда. Бироқ жаҳондаги ривожланган мамлакатлар экспортининг қарийб 30-40 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу кўрсаткич АҚШда 30 фоизни, Европа Иттифоқи мамлакатларида 27 фоизни, Японияда 15 фоизни ташкил этади». Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспорт салоҳиятини янада ошириш устувор аҳамиятини сақлаб қолмоқда(3).

Кичик ва ўрта бизнес корxonалари Европа иқтисодиёти ривожланишида катта ўринга эга. Улар Европа Иттифоқидаги барча корxonаларнинг 99 фоизини ташкил этади. Улар 100 миллионга яқин одамни иш билан таъминлайди, Европанинг ялпи ички маҳсулотининг ярмидан кўпини ташкил қилади ва иқтисодиётнинг ҳар бир соҳасида қўшилган қиймат яратишда муҳим роль ўйнайди. Кичик ва ўрта бизнес иқлим ўзгариши, ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги ва ижтимоий ҳамжиҳатликни таъминлаш каби муаммоларга инновацион ечимларни таклиф этади ва бу борадаги ёндашувларни Европанинг барча минтақаларида тарқалишига ёрдам беради .

Мамлакатда инновацион салоҳиятни ошириш эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти ва уларни ривожлантириш билан боғлиқ бўлиб, натижа соҳанинг инновацион фаоллиги ошишига ва уларнинг рақобатбардошлигини таъминлашга олиб келади. Шу сабабли тараққий этган мамлакатларда кичик бизнес субъектларининг инновацион фаоллиги давлат томонидан қўллаб-қувватланади. Бу ҳолатни хориж мамлакатлар мисолида қарайдиган бўлсак, Германияда кичик бизнес субъектларининг инновацион лойиҳаларини амалга ошириш, уларнинг илмий-техникавий ишланмаларини рағбатлантиришга қаратилган давлат дастури мавжуд. Мазкур дастур доирасида кичик бизнес субъектларига 1 миллион еврогача бўлган миқдорда 10 йилгача муддатга имтиёзли кредит берилади, бунда дотация миқдори кредит суммасининг 3 фоизидан 10 фоизигача бўлган қисмини ташкил этади. Бундан ташқари, қатор ривожланган мамлакатлардаги каби Германияда ҳам кичик бизнес субъектлари фаолиятининг ривожланишига кўмаклашувчи дастурлардан фойдаланиб келинмоқда. Бунда асосан ишлаб чиқаришнинг фан сиғимли тармоқларини устувор қўллаб-қувватлаш кўзда тутилган.

Германияда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришда “Кичик ва ўрта бизнес корхоналарига нисбатан илмий-техника сиёсатини ривожлантириш концепцияси” ва “Ўз ишини очиш учун жамғармаларни рағбатлантириш” каби дастурлари бевосита шу соҳани рағбатлантириб боради ва фаолиятнинг янада ривожланишига амалий ёрдам беради.

Хитойда эса бу борада “Ресурс сиғимли ишлаб чиқаришларни юқори технологияли тармоқлар томонига қайта йўналтириш” қондасига кўпроқ жавоб беради ва инновацион технологияларни ўзлаштиришда фаол қатнашиб, янги ишчи ўринларини яратади.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида амалга оширилаётган жадал ижтимоий-иқтисодий ислохотлар шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимизни тараққий эттириш ва аҳоли фаровонлигини оширишнинг муҳим манбаларидан бири ҳисобланади. «Жойлардаги ижтимоий муаммоларни ҳал этишга оид тадбиркорлик ташаббусларини, айниқса, ёшлар ва аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга алоҳида аҳамият бериш зарур. Шу мақсадда аҳоли ва тадбиркорларга, микромолия хизматлари ва молиявий ресурсларга, давлат харидларига кенг йўл очиб берилади. Бундай чоралар орқали одамларимизда тадбиркор бўлишга иштиёқ ва ишонч ортади, улар кўпроқ даромад олишга интиладиган бўлади» .

Бугунги кунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 56 фоизидан ортиғи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келмоқда ва уларнинг экспортдаги улуши 20,5 фоизни ташкил этмоқда. «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси» да тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва доимий даромад манбаларини шакллантириш учун шароитлар яратиш, хусусий секторнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 80 фоизга ва экспортдаги улушини 60 фоизга етказиш» сингари устувор вазифалар белгилаб берилган. Мазкур вазифаларнинг самарали ижросини таъминлаш кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятини такомиллаштиришни талаб этади. Мазкур вазифаларнинг бажарилиши иқтисодиётда кичик бизнес субъектларининг барқарор ривожланишини таъминлаш ҳамда уни самарадорлигини ошириш борасидаги ишларни жадаллаштиришни талаб этади(1).

Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида кичик бизнес субъектлари-кредитлардан, хом-ашё ресурслари, шунингдек, давлат имтиёзли тизимларидан самарали фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш уларни инновацион салоҳиятини оширишда муҳим омил ҳисобланади. Бизга маълумки, кичик бизнес субъектлари фаолиятини инновацион салоҳиятини ривожлантиришда моддий-техник, молиявий ресурслар, ташкилий ресурслар ва кадрларга оид ресурслар, моддий ва номоддий активлар ва ижтимоий-руҳий

омиллар каби жиҳатларни инобатга олиши шарт. Тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятида инновацион жараёнларини ташкил этишлари учун уларнинг ихтиёрида ғоя ва ишланмаларни молиялаштириш учун етарли пул маблағлар, янги маҳсулотни яратиш ва оммавий равишда ишлаб чиқариш учун тегишли моддий-техника базаси, янгиликларни амалга ошириш ва уни жорий этиш учун замон талабига жавоб берадиган, қобилиятли ходимлар бўлиши билан биргаликда, улар бугунги иқтисодиётни инновацион ривожлантириш талаблари даражасидаги инновацион ғояларни ишлаб чиқиш имкониятларига эга бўлиши лозим.

Айни пайтда кичик бизнес субъектлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, бизнес субъектларини жадал ва барқарор ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатувчи тўсиқларни бартараф этиш бўйича асосий йўналишлар ишлаб чиқилмоқда. Бундан ташқари, жаҳондаги интеграциялашув ва глобаллашув шароитида мамлакатда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш, кичик бизнес соҳасини инновацион ва замонавий ёндашувлар, илғор технология ва бошқарув усуллари асосида ташкил этишни тақозо этмоқда.

Кичик бизнеснинг ривожланиши миллий иқтисодиётда муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, кичик корхоналар янги технологияларни тезроқ ва арзонроқ тарзда қайта жиҳозлаши, тадбиқ этиши, синовдан ўтказиши, ишлаб чиқаришни қисман ёки тўлиқ автоматлаштиришни амалга ошириши, автоматлаштирилган ва қўл меҳнатининг мақбул комбинациясига эришишини таъминлайди ҳамда замонавий шароитда, кичик бизнесни шакллантириш жараёни бошланғич босқичида бўлганида, унинг миқдорий ва сифат жиҳатидан янада ривожланиши миллий иқтисодиётнинг изчил юксалишининг энг муҳим омили ҳисобланади.

Кичик бизнес ички ва ташқи бозорларни тўлдиришга, товар ҳамда хизматларга бўлган аҳоли эҳтиёжларини тўлиқ кондиришга, тез мослашувчанлигига имкон беради; Кичик фирмаларнинг яратилиши катта сармояларни ва уларнинг ташкил этишининг узоқ муддатини талаб қилмайди ҳамда истеъмолчилар талабига тезроқ жавоб беради; Кичик бизнесни ривожлантириш орқали монополияга қарши сиёсатнинг энг самарали йўналишларидан бири ва рақобат муҳитини таъминлаш имкониятини оширади; Кичик бизнесни бошқариш осонроқ, уларга мураккаб бошқарув тузилмаларини яратиш керак эмас; Кичик бизнеснинг ривожланиши ишсизлик муаммосини асосан ҳал қилишга ёки юмшатишга имкон беради; Кичик бизнеснинг ривожланиши иқтисодиётни барқарорлаштиришга, мамлакатда бошланғич тартибни ўрнатишга, ўрта ва кичик мулкдорлар синфини пайдо бўлишига олиб келади.

Кичик бизнеснинг барча афзалликларига қарамай, енгиб бўлмайдиган муаммолар ҳам мавжуд.

Кичик бизнеснинг барча афзалликларига қарамай, енгиб бўлмайдиган муаммолар ҳам мавжуд.

-банк муассасаларидан тегишли муддатларда имтиёзли кредит маблағлари ажратилмаганлиги;

-фаолиятни амалга ошириш жойларида ижара шартномалари асоссиз бекор бўлиши;

-ер майдони ажратилмаганлиги;

-худудларда инфратузилмаларни фаолияти қониқарсизлиги;

-электр тармоқларига уланишда кичик корхоналарга ҳам йирик заводлар билан бир хил талаблар қўйилганлиги;

-транспорт-логистика хизматларини ривожланмаганлиги;

-корхонанинг ер майдонлари ва бино иншоотлари суд қарори асосида олинганлиги шулар жумласидандир.

Кичик бизнесни ривожлантиришнинг тармоқ ва худудий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилиши керак. Шу билан бирга, ушбу стратегиянинг асосий таркибий қисмлари бўйича қуйидагиларни таклиф қилиш мумкин:

- ❖ иқтисодиётимизни деярли барча тармоқлари модернизация қилиниб, технологик жиҳатдан янгилаш жараёнини тезлаштириш керак;
- ❖ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ва йирик саноат корхоналари ўртасида ички тармоқ кооперациясини ривожлантириш йўлида истиқболли саналган лойиҳалар бўйича ишлаб чиқаришга инвестициялар рўйхатини шакллантириш керак;
- ❖ худудларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига бизнес форумлар ҳамда ихтисослашган кўргазмалар жараёнида махсус кўргазма стендлари билан қатнашиш имкониятларини яратиш лозим;
- ❖ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизимини янада жадаллаштириш зарур;

Хулоса қилиб айтганда, ривожланган мамлакатларда кичик бизнеснинг улуши ЯИМнинг 60-70 фоизини ташкил этади. Бу эса ўз навбатида, хорижий давлатлар амалиётидаги бизнес соҳасига берилаётган имтиёзлар, кредит фоизларининг пастлиги, бизнесни ташкил этишдаги муаммоларнинг камлиги ва муддатлари қисқалиги, тезкор маълумотлар билан таъминланиши, ахборотларнинг рақобатчилар учун ҳам очик ва ошкоралиги ушбу мамлакатларнинг ютуғи саналади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон.29.01.2022,
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси.20.12.2022й.
3. "IQTISODIYOT VA TURIZM" xalqaro ilmiy va innovatsion jurnali 2023 й
4. Б.Ю.Ходиев, М.С.Қосимова, А.Н.Самадов. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик. Ўқув қўлланма.
5. Қ.Ж.Мирзаев, Б.Ш.Мирзаев “Кичик бизнесни бошқариш” Маърузалар матни.

